



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 30 » июль

№ 459

Toshkent sh.

### **Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларига сув чиқариш ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4767-сон қарори ижросини таъминлаш, сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишни давлат томонидан субсидия ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишга давлат томонидан субсидия ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплашга қуйидаги шартларда субсидиялар ажратилади:

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бароваридан ошмаган миқдорда;

аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги 10 метрдан ортиқ бўлган ҳар бир вертикал суғориш кудуғини бурғулаш ва ишга тушириш билан

боғлиқ харажатларни қоплашга қудуқнинг ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бароваридан ошмаган миқдорда;

камида 30 та аҳоли томорқа ерларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 120 миллион сўмдан ошмаган қисми қопланади.

### 3. Белгилансинки:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида бурғуланадиган вертикал суғориш қудуқларининг манзилли дастурини шакллантиради ва тасдиқлайди;

субсидиялар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда тасдиқланадиган рўйхатга асосан 2020-2021 йилларда Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан ҳамда 2022 йилдан бошлаб – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқа ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратишга зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ 30 ”июлдаги 459- сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорларига киритилаётган  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 12-сон, 224-модда):

а) 2-бандда:

биринчи хатбошидан “(Мирзаев, Нарбаева)” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги “томорқа ер участкаларига” сўзлари “деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

2–5-бобларнинг номларидаги, 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 9-банднинг биринчи – учинчи хатбошиларидаги, 10-банддаги, 15-банддаги, 17-банддаги, 18-банднинг “а” кичик бандидаги “томорқа ер” сўзлари “деҳқон хўжалиги ва томорқа ер” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг:

биринчи хатбошидаги “туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси” сўзлари “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғи – туман ҳокимининг ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ишчи гуруҳ таркибига Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади), туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман ирригация бўлими, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, профилактика инспектори, туман касаба уюшмалари, туман бандликка кўмаклашиш маркази, туман давлат солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилади”;

г) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи**  
**ТАРКИБИ**

1. Ў.И. Барноев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, *Республика ишчи гуруҳи раҳбари*
2. Р.Т. Маматов Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, *Республика ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари*
3. А.А. Хаитов Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, *Республика ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари*
- 4 И.И. Норкулов Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари
5. Э.М. Мухитдинов Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари
6. А.А. Мирзаев Сув хўжалиги вазири ўринбосари
7. С.С. Ходжаев Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
8. А.Ж. Тошқулов Адлия вазири ўринбосари
9. А.Э. Эргашев Молия вазири ўринбосари
10. А.И. Икрамов Ички ишлар вазири ўринбосари
11. Ф.К. Умаров Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
12. М.И. Рузметов “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси раиси ўринбосари
13. А.А. Икрамов Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари
14. А.А.Рахимов Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари
15. Б.Х. Махмадалиев Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари
16. Б.Р. Парпиев Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари
17. Т.Ш. Бозоров Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари
18. А.Р. Сидиқов Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти бош мутахассиси, *Республика ишчи гуруҳи котиби*

**Изоҳ.** *Республика ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*”;

д) 3-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи Республика ишчи гуруҳи аъзоларига**

### бириктирилган ҳудудларнинг РЎЙХАТИ

| Т/р | Ҳудудлар номи                | Ҳудудларга бириктирилган вазирлик ва идоралар |   |
|-----|------------------------------|---|---|
|     |                              | Ф.И.О.  | лавозими  |
| 1.  | Қорақалпоғистон Республикаси | Умаров Ф.К.                                   | Давлат солиқ кўмитаси раиси ўринбосари  |
| 2.  | Андижон                      | Тошқулов А.Ж.                                 | Адлия вазири ўринбосари   |
| 3.  | Бухоро                       | Эргашев А.Э.                                  | Молия вазири ўринбосари   |
| 4.  | Жиззах                       | Мухитдинов Э.М.                               | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари                             |
| 5.  | Қашқадарё                    | Мирзаев А.А.                                  | Сув хўжалиги вазири ўринбосари  |
| 6.  | Навоий                       | Рузметов М.И.                                 | “Давергеодезкадастр” давлат кўмитаси раиси ўринбосари                                     |
| 7.  | Наманган                     | Бозоров Т.Ш.                                  | Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари |
| 8.  | Самарқанд                    | Рахимов А.А.                                  | Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари      |
| 9.  | Сурхондарё                   | Икромов А.А.                                  | Давлат статистика кўмитаси раиси ўринбосари   |
| 10. | Сирдарё                      | Норқулов И.И.                                 | Иқтисодий тарққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари             |
| 11. | Тошкент                      | Икромов А.И.                                  | Ички ишлар вазири ўринбосари  |
| 12. | Фарғона                      | Парпиев Б.Р.                                  | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари                                      |
| 13  | Хоразм                       | Ходжаев С.С.                                  | Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари   |

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд “реконструкция қилиш” сўзларидан кейин “шунингдек, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал

суғориш кудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-банднинг учинчи хатбошидаги “суғориладиган ерларга” сўзлари “суғориладиган ерларга ҳамда туман ҳокимликлари захирасидаги ер майдонлари негизида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативларига ажратилган ерларга” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банд:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**вертикал суғориш кудуғи** – ер ости сувларини чиқаришга хизмат қиладиган, сув қабул қилгич, электр насос, қувурлар, шунингдек, бошқариш станцияси билан жиҳозланган ҳамда хизмат кўрсатаётган майдонни сув билан таъминлаш учун барпо этиладиган кудуқдан иборат сув хўжалиги объекти”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**талабгорлар** – аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш истагини билдирган томорқа ер эгалари”;

г) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бароваридан ошмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) маблағлари ҳисобидан (субсидия сифатида) тузилган инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битими доирасида бир марта қоплаб берилади.

Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар учун субсидия:

аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги 10 метрдан ортиқ бўлган ҳар бир вертикал суғориш кудуғини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга кудуқнинг ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бароваридан ошмаган қисмини;

камида 30 та аҳоли томорқа ерларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмаган қисмини қоплаш учун ажратилади.

Бунда, лойиҳа ташаббускорларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун ирригация ва

мелиорация объектларини куриш ва реконструкция ишлари, шунингдек, талабгорларнинг сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларининг қолган қисми уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади”;

д) 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қишлоқ хўжалиги кооперативларига маҳаллий ҳокимликлар захирасидан ажратилган ер майдонларини ўзлаштириш учун ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш ишлари харажатларининг бир қисмини қоплашга зарур қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилади”;

е) 7-бандда:

биринчи хат бошидаги “иловада” сўзи “1-иловада” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгорларнинг сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади”;

ж) 2-боб номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2-боб. Манзилли дастурни шакллантириш тартиби”

з) 2-боб номланишидан кейин қуйидаги мазмундаги 1-§ номланиши билан тўлдирилсин:

“1-§. Куриш ва реконструкция қилиш объектларининг манзилли дастурини шакллантириш”;

и) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги “манзилли рўйхатини” сўзларини “туман (шаҳар) манзилли рўйхатини” сўзлари билан, “ҳамда” сўзи “ҳамда тасдиқлаб” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“қишлоқ хўжалиги кооперативларига маҳаллий ҳокимликлар захирасидан ажратилган ер майдонлари миқдори”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

к) 9-бандда:

биринчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган туман (шаҳар) манзилли рўйхатини белгиланган тартибда кўриб чиқиб



ҳудудий манзилли рўйхатни шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда ҳисобот йилининг 1 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этадилар”;

иккинчи хатибошидаги “Манзилли рўйхатни” сўзлари “Туман (шаҳар) ва ҳудудий манзилли рўйхатларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган ҳудудий манзилли рўйхатларни кўриб чиқади ҳамда манзилли дастурни шакллантириб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳисобот йилининг 1 апрелига қадар тасдиқлайди.

Маҳаллий ҳокимликлар захирасидан ажратилган ер майдонлари негизида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари бўйича манзилли дастур Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳам келишилади”;

м) қуйидаги мазмундаги 2-§ параграф билан тўлдирилсин:

“2-§. Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш бўйича талабгорларнинг манзилли дастурини шакллантириш тартиби”

10<sup>1</sup>.Туман (шаҳар) ҳокимликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари ҳамда манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда ҳисобот йилида сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш бўйича талабгорларнинг манзилли рўйхатини йилига икки марта, яъни биринчи марта ҳисобот йилининг 1 февралига қадар, иккинчи марта ҳисобот йилининг 1 июнига қадар шакллантиради ҳамда тасдиқлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига киритади.

Туман (шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантиришда вертикал суғориш қудуқлари бурғуланадиган сув таъминоти оғир бўлган маҳалла фуқаролари йиғинлари, аҳоли хонадонлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар инобатга олинади.

10<sup>2</sup>. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган туманлар манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиб



ҳудудий манзилли рўйхатни шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда ҳисобот йилининг тегишлича 1 март ва 1 июлига қадар Кенгашга тақдим этади.

Туман (шаҳар) ва ҳудудий манзилли рўйхатларни сифатли шакллантириш, тақдим этилган маълумотларнинг аниқ ва ишончлиги юзасидан жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилади.

10<sup>3</sup>. Кенгаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган ҳудудий манзилли рўйхатларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда манзилли дастурни шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳисобот йилининг 1 апрелига ва 1 августига қадар тасдиқлайди.

Кенгаш ҳисобот йилида сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш бўйича талабгорларнинг манзилли дастурини ҳисобот йилининг тегишлича 15 апрели ва 15 августига қадар оммавий ахборот воситаларида ҳамда Кенгашнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб боради”;

н) 4-боб номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4-боб. Харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартиби”;

о) 4-боб номланишидан кейин қуйидаги мазмундаги 1-§ параграф номланиши билан тўлдирилсин:

“1-§ Қуриш ва реконструкция қилиш харажатларини давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби”;

п) 17-банддаги “15” рақами “16” рақами билан алмаштирилсин;

р) 18-банд қуйидаги таҳрида баён этилсин:

“18. Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари лойиҳа ташаббускорларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш бўйича бажарилган ирригация ва мелиорация тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш юзасидан келиб тушган ҳужжатларни уч иш куни ичида кўриб чиқади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади”;

с) қуйидаги мазмундаги 2-§ параграф билан тўлдирилсин:

“2-§ Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартиби

20<sup>1</sup>. Талабгорлар вертикал суғориш қудуқлари бурғуланиб ишга туширилгандан сўнг сарфланган харажатларнинг бир қисmini қоплашга маблағ олиш учун тегишли равишда туман (шаҳар) фермер, деҳқон

хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига (кейинги ўринларда – туман кенгаши) куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза-талабнома;

амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (ҳисоб-фактура ва бошқалар);

туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раислигида тасдиқланадиган фойдаланишга қабул қилиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш бўйича яқунланган ишларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси.

20<sup>2</sup>. Туман кенгашлари талабгорлар томонидан мазкур Низомнинг 20<sup>1</sup>-бандида белгиланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганда, уларни уч иш кунида талабгорга тўлиқ ҳолда қайта тақдим қилиш учун қайтаради.

20<sup>3</sup>. Туман кенгашлари талабгорлар томонидан тўлиқ тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади, туман (шаҳар) ҳокимлиги билан келишади ҳамда вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига (кейинги ўринларда – ҳудудий кенгашлар) тақдим қилади.

20<sup>4</sup>. Ҳудудий кенгашлар талабгорларнинг сув таъминоти оғир ҳудудларда аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича тушган ҳужжатларни уч иш куни ичида кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишиб Кенгашга тақдим этади.

20<sup>5</sup>. Кенгаш ҳудудий кенгашлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва уларга асосан талабгорларнинг сув таъминоти оғир ҳудудларда аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш юзасидан уч иш кунида талабгорлар кесимида буюртманома расмийлаштиради. Буюртманомаларни:

2020-2021 йилларда Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан қоплаш учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;

2022 йилдан бошлаб – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-қувватлаш жамғармасига мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаш учун тақдим қилади.

20<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун мобайнида Кенгаш томонидан киритилган буюртманома асосида Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан зарур маблағларни талабгор жойлашган ҳудуддаги туман бюджети ҳисобварағига ўтказиб беради.

20<sup>7</sup>. Туман молия бўлими Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан келиб тушган

маблағларни бир иш куни мобайнида ғазна ҳисобварағи орқали талабгорларнинг банк ҳисобварағига ўтказиб беради.

20<sup>8</sup>. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бир иш кунида Кенгаш томонидан киритилган буюртманома асосида субсидияларни бир иш кунида талабгорларнинг тегишли тижорат банкидаги ҳисобварағига ўтказиб беради”;

т) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“21. Қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, сув таъминоти оғир ҳудудларда аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилиши ҳамда давлат томонидан субсидия маблағлари ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан тизимли равишда назорат амалга оширилади”;

у) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“22. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун давлат томонидан субсидия бериладиган ер майдонларида қуриш ва реконструкция ишлари юзасидан назорат белгиланган ваколатлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари зиммасига юклатилади.

Аҳоли томорқа ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга туширишга Давлат бюджетидан субсидия бериладиган ер майдонларида бурғуланадиган ва ишга тушириладиган вертикал суғориш қудуқлари юзасидан назорат бегилаган ваколатлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Кенгаш ҳамда унинг ҳудудий органлари зиммасига юклатилади”;

ф) Низомга 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Лойиҳа ташаббускорларининг ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларини давлат бюджетидан қоплаш**

### **СХЕМАСИ**

| <b>Босқич</b> | <b>Субъектлар</b>          | <b>Тадбирлар</b>                                    | <b>Бажариш муддати</b> |
|---------------|----------------------------|---|------------------------|
| 1-босқич      | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини | 1 февралга қадар       |

|          |  |  |                                  |
|----------|--|--|----------------------------------|
|          |  | фойдаланишга киритиш учун куриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантиради ҳамда тасдиқлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритади.   |                                  |
| 2-босқич | <b>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</b> | Туман (шаҳар) манзилли рўйхатини кўриб чиқиб ҳудудий манзилли рўйхатни шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.  | 1 мартга қадар                   |
| 3-босқич | <b>Сув хўжалиги вазирлиги</b>  | Ҳудудий манзилли рўйхатларни кўриб чиқади ҳамда манзилли дастурни шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.<br>Маҳаллий ҳокимликлар захирасидан ажратилган ер майдонлари негизида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари бўйича манзилли дастурни Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳам келишади. | 1 апрелга қадар                  |
| 4-босқич | <b>Сув хўжалиги вазирлиги</b>  | Ҳисобот йилида куриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг тасдиқланган манзилли дастурини оммавий ахборот воситаларида ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилади.  | 15 апрелга қадар                 |
| 5-босқич | <b>Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари</b>                          | Тасдиқланган манзилли дастурга асосан лойиҳа ташаббускорлари билан инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим имзолайди.  | келишувга кўра                   |
| 6-босқич | <b>Лойиҳа ташаббускорлари</b>  | Ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланиб, сарфланган харажатларнинг бир қисмини Давлат   | Талабгор мурожаати тушган кундан |

|          |   |   |                              |
|----------|---|---|------------------------------|
|          |   | бюджети ҳисобидан қоплаш учун Сув хўжалиги вазирлигининг вилоят ҳудудий органларига ҳужжатларни тақдим этади.   | бошлаб<br>3 кун<br>мобайнида |
| 7-босқич | <b>Сув хўжалиги вазирлигининг вилоят ҳудудий органи</b> | Лойиҳа ташаббускорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни умумлаштириб Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.   | 3 кун<br>мобайнида           |
| 8-босқич | <b>Сув хўжалиги вазирлиги</b>                           | Ер майдонларини фойдаланишга киритишда қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг Давлат бюджетидан қопланадиган қисмини лойиҳа ташаббускорларининг банк ҳисобварағига ўтказиб беради. | 3 кун<br>мобайнида           |

х) Низом қуйидаги таҳрирдаги 2-илова билан тўлдирилсин:

**“Талабгорларнинг сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш СХЕМАСИ**

| Босқич   | Субъектлар   | Тадбирлар   | Бажариш муддати  |
|----------|--|---|--|
| 1-босқич | <b>Туман (шаҳар) ҳокимликлари</b><br><i>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Маҳалла ва ошлани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари ҳамда манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда</i> | Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш бўйича талабгорларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантиради ҳамда тасдиқлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига киритади. | йилига<br>икки марта:<br>1 февраль<br>ва<br>1 июнга<br>қадар |
| 2-босқич | <b>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</b>   | Туманлар (шаҳар) манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади, ҳудудий манзилли рўйхатни шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда Кенгашга тақдим этади.   | йилига<br>икки марта:<br>1 март ва<br>1 июлга<br>қадар       |

|                 |   |  |   |
|-----------------|---|--|---|
| <b>3-босқич</b> | <b>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши</b> | Худудий манзилли рўйхатларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда манзилли дастурни шакллантириб Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.   | йилига<br>икки марта:<br>1 апрель ва<br>1 августга<br>қадар               |
| <b>4-босқич</b> | <b>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши</b> | Манзилли дастурини оммавий ахборот воситаларида ҳамда ўзининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.  | йилига<br>икки марта:<br>15 апрель ва<br>15 августга<br>қадар             |
| <b>5-босқич</b> | <b>Талабгор</b>   | Вертикал суғориш қудуқлари бурғуланиб ишга туширилганидан сўнг сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплашга маблағ олиш учун тегишли равишда туман кенгашига зарур ҳужжатларни тақдим этади.   | Ихтиёрига<br>кўра   |
| <b>6-босқич</b> | <b>Туман кенгаши</b>  | Талабгорлар томонидан тўлиқ тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги билан келишилган ҳолда вилоят фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашларига тақдим қилади.   | Талабгор<br>муружаати<br>тушган<br>кундан<br>бошлаб<br>3 кун<br>мобайнида |
| <b>7-босқич</b> | <b>Худудий кенгаш</b>   | Туман кенгаши томонидан киритилган ҳужжатларни кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишади ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши тақдим этади.   | 3 кун<br>мобайнида  |
| <b>8-босқич</b> | <b>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши</b> | Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва уларга асосан талабгорларнинг сув таъминоти оғир ҳудудларда аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш юзасидан талабгорлар кесимида буюртманома расмийлаштиради. Буюртманомаларни: | 3 кун<br>мобайнида  |

|           |  |  |                 |
|-----------|--|--|-----------------|
|           |  | 2020-2021 йилларда Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан қоплаш учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;<br>2022 йилдан бошлаб – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаш учун мазкур жамғармага тақдим қилади. |                 |
| 9-босқич  | Молия вазирлиги  | Кенгаш томонидан 2020-2021 йилларда киритилган буюртманома асосида зарур маблағларни талабгор жойлашган ҳудуддаги туман бюджети ҳисобварағига ўтказиб беради.  | 3 кун мобайнида |
| 10-босқич | Туман молия бўлими   | Молия вазирлигидан келиб тушган маблағларни ғазна ҳисобварағи орқали талабгорларнинг банк ҳисобварағига ўтказиб беради.  | Бир иш кунда    |
| 11-босқич | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси | Кенгаш томонидан 2022 йилдан бошлаб киритилган буюртманома асосида зарур маблағларни талабгорнинг тегишли тижорат банкидаги ҳисобварақасига ўтказиб беради.  | Бир иш кунда    |

